O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI

# 2023

## I ЧОРАК

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ ВА ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ

## Бу қандай нашр?

Ушбу нашр 2023 йил I чораги учун Ўзбекистон тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, улар Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ тайёрланган.

## Маълумотлар қайси санага долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2023 йилнинг 27 июнь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

## Маълумотларни қаердан олиш мумкин?

Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг http://www.cbu.uz/ ва ХВЖнинг http://data.imf.org/ веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

## Нашрга тааллуқли савол ва таклифлар бўйича қандай мурожаат қилиш мумкин?

**Ж.Х.Файзуллахўжаев**

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38 j.fayzullaxodjaev@cbu.uz

**О.О.Тожиддинов**

*Департамент директори ўринбосари – тўлов баланси бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-77 o.tojiddinov@cbu.uz

**Ш.Х.Хайитбоев**

*Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари*

(+998) 71 212-60-42 sh.khayitboev@cbu.uz

**С.М.Юнусов**

*Жорий операциялар ҳисоби бўлими бошлиғи*

(+998) 71 212-58-71 s.yunusov@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

# ҚИСҚАЧА ШАРҲ

2023 йилнинг I чорагида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётларининг ўсиш кўрсаткичлари бўйича кутилмаларнинг яхшиланиши, транспорт-логистикадаги қийинчиликларнинг камайиши, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларда (хусусан, Хитойда) иқтисодий фаолликнинг кутилмаларга нисбатан суст қайта тикланиши ҳамда халқаро молия бозорларидаги заифликларнинг кучайииши шароитида Ўзбекистон тўлов баланси **жорий операциялар ҳисоби манфий сальдо** билан шаклланиб, 1,3 млрд. долларни *(2022 йилнинг I чорагида манфий сальдо 1,1 млрд.долл.)* ташкил этди.

Шу билан бирга, 2023 йилнинг I чораги давомида жорий операциялар ҳисоби динамикасига геосиёсий вазиятнинг кескинлашиши, глобал инфляцион жараёнларнинг юқори суръатларда шаклланиши ҳамда халқаро молиявий бозорлардан маблағларни жалб қилишнинг қимматлашиши каби омиллар билан боғлиқ хавф-хатарлар сақланиб қолди.

Савдо балансининг (товарлар ва хизматлар) манфий сальдоси *(3,6 млрд.долл.)* бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси *(2,3 млрд.долл.)* ҳисобига қисман қопланди.

Ҳисобот даврида ташқи савдо айланмаси (олтинсиз) 12,9 млрд. долларни ташкил қилди *(2022 йилнинг I чорагида 11,1 млрд.долл.)*. Бунда, экспорт ҳажми (олтинсиз) 3,4 млрд. доллар ва импорт ҳажми 9,4 млрд. долларга тенг бўлиб, ўтган йилнинг I чорагига нисбатан мос равишда 16 фоизга кўпайди.

Экспорт таркибида товарлар 2,5 млрд. доллар ва хизматлар 897,1 млн. долларни ташкил қилган бўлса, товар ва хизматлар импорти мос равишда 7,7 млрд. доллар ва 1,7 млрд. долларга тенг бўлди.

Бирламчи даромадлар сальдоси 314,8 млн. долларни *(2022 йилнинг I чорагида 505,8 млн.долл.)* ташкил этди. Шунингдек, иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси шахсий трансферт (ўтказма)ларнинг ўтган йилга нисбатан юқори суръатларда ўсиши ҳисобига 2 млрд. долларни ташкил этди *(2022 йилнинг I чорагида 646,9 млн.долл.)*.

2023 йилнинг I чораги якуни бўйича **молиявий ҳисобнинг сальдоси** манфий бўлиб, 1,3 млрд. долларни *(2022 йилнинг I чорагида манфий сальдо 994,5 млн. доллар)* ташкил этди. Молиявий ҳисобнинг активлар қисмида бошқа инвестициялар билан боғлиқ операциялар ҳажми 752,6 млн. долларга кўпайган бўлса, халқаро захира активлар билан боғлиқ операциялар 1,5 млрд. долларга камайган.

Молиявий ҳисобнинг мажбуриятлар қисмида асосан тўғридан-тўғри ва бошқа инвестициялар мос равишда 171 млн. доллар ва 322 млн. долларга ўсган.

Ўзбекистон Республикасига чет элдан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф ўсиши капиталга соф инвестициялар *(маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича операциялар бундан мустасно - 114,6 млн. долл.)*, бош офисдан жалб қилинган қарзлар *(93,6 млн. долл.)* ҳамда маҳсулот тақсимотига оид келишувлар доирасида инвестицияларнинг соф сўндирилиши *(96,5 млн. долл.)* ҳисобига таъминланди.

Портфель инвестицияларнинг манфий сальдоси 2023 йилнинг I чорагида 14,3 млн. долларни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасининг **соф халқаро инвестицион позицияси** кўрсаткичи йил бошига нисбатан 1 фоизга ёки 165,2 млн. долларга ошиб, 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига 19 млрд. долларни ташкил этди. Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми 82,6 млрд. доллар, ташқи мажбуриятлари ҳажми эса 63,6 млрд. долларга тенг бўлди.

## 1-илова. 2021-2023 йилларнинг I чораги учун тўлов баланси

*(таҳлилий кўриниши)*

*(млн. доллар)*

| Кўрсаткичлар | 2021 йил I чорак | 2022 йил I чорак | 2023 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| **А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси** | **-2 135,3** | **-1 090,8** | **-1 273,9** |
| Товарлар, кредит (экспорт) | 1 947,7 | 5 248,6 | 4 941,7 |
| Товарлар, дебет (импорт) | 4 708,7 | 6 518,2 | 7 726,0 |
| Хизматлар, кредит (экспорт) | 430,2 | 670,5 | 897,1 |
| Хизматлар, дебет (импорт) | 895,6 | 1 644,4 | 1 719,3 |
| *Товарлар ва хизматлар сальдоси* | -3 226,3 | -2 243,5 | -3 606,6 |
| Бирламчи даромадлар, кредит | 337,2 | 956,3 | 1 029,9 |
| Бирламчи даромадлар, дебет | 372,7 | 450,5 | 715,1 |
| *Товарлар, хизматлар ва бирламчи даромадлар сальдоси* | -3 261,8 | -1 737,8 | -3 291,8 |
| Иккиламчи даромадлар, кредит | 1 237,0 | 867,0 | 2 204,5 |
| Иккиламчи даромадлар, дебет | 110,5 | 220,0 | 186,6 |
| **B. Капитал операциялари ҳисоби (олтин-валюта захираларидан ташқари)** | **1,8** | **8,2** | **1,2** |
| Капитал операциялар ҳисоби, кредит | 1,8 | 8,2 | 1,2 |
| Капитал операциялар ҳисоби, дебет | - | - | - |
| *Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси* | -2 133,6 | -1 082,7 | -1 272,6 |
| **C. Молиявий ҳисоб** | **-844,2** | **-1 089,0** | **255,3** |
| Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар | 0,6 | 2,1 | 9,6 |
| Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар | 437,3 | 312,1 | 170,9 |
| Портфель инвестициялар, активлар | - | - | 0,2 |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | - | - | 0,2 |
| Қарз инструментлари | - | - | - |
| Портфель инвестициялар, мажбуриятлар | 12,3 | 6,7 | 14,5 |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 0,7 | -5,2 | 2,5 |
| Қарз инструментлари | 11,6 | 12,0 | 11,9 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) | 3,2 | 2,8 | 0,5 |
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар | - | - | - |

| Кўрсаткичлар | 2021 йил I чорак | 2022 йил I чорак | 2023 йил I чорак |
|---|---|---|---|
| Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар | -3,2 | -2,8 | -0,5 |
| Бошқа инвестициялар, активлар | 355,7 | -441,8 | 752,6 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | 0,6 | - | 0,4 |
| Қарз инструментлари | 355,1 | -441,8 | 752,2 |
| Марказий банк | - | - | - |
| Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно | -117,5 | -34,2 | -611,0 |
| Давлат бошқарув сектори | -5,7 | -6,1 | -7,0 |
| Бошқа секторлар | 478,3 | -401,5 | 1 370,1 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | - | - | - |
| Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ | 478,3 | -401,5 | 1 370,1 |
| Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар | 754,1 | 333,3 | 322,2 |
| Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари | - | - | - |
| МҚҲ тақсимланиши | -0,0 | 0,3 | 1,0 |
| Қарз инструментлари | 754,1 | 333,1 | 321,2 |
| Марказий банк | - | - | - |
| Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно | 506,9 | -127,0 | 280,9 |
| Давлат бошқарув сектори | 51,0 | 163,4 | 378,8 |
| Бошқа секторлар | 196,2 | 296,6 | -338,4 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 2,6 | 4,1 | 4,7 |
| Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ | 193,5 | 292,5 | -343,1 |
| **D. Соф хатолар ва йўқотишлар** | **1,0** | **88,0** | **-21,0** |
| **E. Умумий баланс** | **1 288,4** | **-94,4** | **1 549,0** |
| **F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар** | **-1 288,4** | **94,4** | **-1 549,0** |
| Захира активлари | -1 288,4 | 94,4 | -1 548,7 |
| ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари) | -0,0 | 0,0 | 0,2 |
| Бошқа молиялаштириш | - | - | - |

*Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.*

## 2-илова. 2021-2022 йиллар ва 2023 йилнинг I чораги учун халқаро инвестицион позиция

*(млн. доллар)*

| Кўрсаткичлар | 01.01.2022й. | 01.01.2023й. | 01.04.2023й. |
|---|---|---|---|
| **Активлар** | **70 404,0** | **82 172,9** | **82 584,9** |
| **Тўғридан-тўғри инвестициялар** | **197,7** | **202,0** | **210,4** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 29,8 | 31,7 | 39,4 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 29,8 | 31,7 | 39,4 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 167,9 | 170,3 | 171,0 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 165,4 | 167,9 | 168,5 |
| **Портфель инвестициялар** | **2,5** | **2,5** | **2,7** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 2,5 | 2,5 | 2,7 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 1,1 | 1,1 | 1,1 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 1,4 | 1,4 | 1,5 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| **Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари** | **0,0** | **0,0** | **0,0** |

| Кўрсаткичлар | 01.01.2022й. | 01.01.2023й. | 01.04.2023й. |
|---|---|---|---|
| **Бошқа инвестициялар** | **35 064,6** | **46 200,9** | **46 934,4** |
| Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари | 1,2 | 1,6 | 2,0 |
| Қарз инструментлари | 35 063,4 | 46 199,3 | 46 932,3 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 2 935,4 | 4 556,9 | 3 921,8 |
| Давлат бошқаруви сектори | 3,3 | 3,7 | 2,9 |
| Бошқа секторлар | 32 124,7 | 41 638,7 | 43 007,6 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| **Захира активлари** | **35 139,2** | **35 767,5** | **35 437,5** |
| Монетар олтин | 20 949,7 | 23 064,8 | 24 254,8 |
| Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари | 1 111,9 | 1 057,3 | 1 068,8 |
| ХВЖдаги захира позицияси | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа захира активлари | 13 077,6 | 11 645,4 | 10 113,9 |
| **Мажбуриятлар** | **53 573,0** | **63 304,5** | **63 551,2** |
| **Тўғридан-тўғри инвестициялар** | **11 593,9** | **13 647,0** | **13 491,2** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 10 053,9 | 11 361,7 | 11 130,3 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 10 053,9 | 11 361,7 | 11 130,3 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз инструментлари | 1 540,0 | 2 285,3 | 2 360,8 |
| Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари | 1 376,7 | 2 022,0 | 2 095,9 |
| Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш) | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар | 163,3 | 263,3 | 264,9 |
| **Портфель инвестициялар** | **4 720,4** | **4 192,1** | **4 186,4** |
| Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари | 83,5 | 105,9 | 106,5 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 37,1 | 48,4 | 50,3 |
| Давлат бошқаруви сектори | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Бошқа секторлар | 46,4 | 57,5 | 56,2 |

| Кўрсаткичлар | 01.01.2022й. | 01.01.2023й. | 01.04.2023й. |
|---|---|---|---|
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,9 | 1,4 | 1,3 |
| Қарз қимматли қоғозлари | 4 636,9 | 4 086,3 | 4 079,9 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 993,2 | 893,9 | 926,0 |
| Давлат бошқаруви сектори | 2 669,2 | 2 375,0 | 2 319,1 |
| Бошқа секторлар | 974,5 | 817,3 | 834,8 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| **Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари** | **11,5** | **2,0** | **0,9** |
| **Бошқа инвестициялар** | **37 247,2** | **45 463,3** | **45 872,8** |
| Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (Мажбуриятларни соф қабул қилиш) | 1 107,3 | 1 057,6 | 1 070,1 |
| Бошқа қарз инструментлари | 36 139,9 | 44 405,7 | 44 802,7 |
| Марказий банк | 0,0 | 0,0 | 0,0 |
| Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари | 6 766,0 | 10 439,4 | 10 739,8 |
| Давлат бошқаруви сектори | 15 290,6 | 18 006,8 | 18 436,9 |
| Бошқа секторлар | 14 083,2 | 15 959,5 | 15 626,0 |
| Бошқа молиявий ташкилотлар | 72,2 | 103,9 | 107,8 |
| **Соф халқаро инвестицион позиция** | **16 831,1** | **18 868,5** | **19 033,7** |